

**МУҲАММАД АЛИНИНГ “УЛУҒ САЛТАНАТ” ТЕТРОЛОГИЯСИДА  
ЁЗУВЧИ ДУНЁҚАРАШИ ВА ҚАҲРАМОН ТАБИАТИ**

**Мардонова Лобар Умаралиевна**

Термиз давлат университети

Педагогика институти

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**Аннотация:** Асар тасвирий йўналишдаги фалсафий мушоҳадакорлик, адиб ғоявий концепциясидаги теран ҳаётий умумлашмалар ўқувчи онгидга олам ва одам ҳақида теран мулоҳазалар уйғотади, ўша давр руҳини китобхон қалбига жойлади. Асар марказида жаҳолат ва ёвузлик, хиёнат ва қабоҳатнинг инкори орқали эътиқод бутлиги, иймон мусаффолиги, эрк соғинчи, юрга садоқат сингари ардоқли туйғуларни улуғлаш туради.

**Калит сўзлар:** тарихий образ, инсон, шахс, мулоҳаза, фалсафий мушоҳадакорлик, давр руҳи, тасвир.

**Аннотация:** Произведение представляет собой философское наблюдение в изобразительном направлении, глубокие жизненные обобщения в мировоззренческой концепции писателя пробуждают в сознании читателя глубокие размышления о мире и человеке, поселяют в сердце читателя дух того периода. . В основе произведения прославление таких благородных чувств, как невежество и зло, отрицание предательства и зла, непорочность веры, чистота веры, стремление к свободе, верность стране.

**Ключевые слова:** исторический образ, человек, личность, размышление, философское наблюдение, дух времени, образ.

**Annotation:** The work is a philosophical observation in the visual direction, deep life generalizations in the ideological concept of the writer evokes in the mind of the

reader deep thoughts about the world and man, places the spirit of that period in the heart of the reader. At the heart of the work is the glorification of such noble feelings as ignorance and evil, the denial of betrayal and evil, the integrity of faith, the purity of faith, the longing for freedom, loyalty to the country.

**Keywords:** historical image, person, person, reflection, philosophical observation, spirit of the period, image.

Халқимизнинг адабий-эстетик эҳтиёжини қондиришга интилиб келаётган носирларимиздан бири Муҳаммад Али тарихий ҳақиқатларни бадиий талқин қилишга, насримиз имкониятларини янада кенгайтиришга баракали ҳисса қўшмоқда. Бугунгача Амир Темур ҳақида кўплаб асарлар ва “Улуғ салтанат” тетралогиясини ўқувчилар хукмига ҳавола этган ёзувчининг асарларида гоҳ тарихий, гоҳ романтик, гоҳида эса ўткир психологизм руҳи устунлик қиласи. Адиднинг “Сарбадорлар” номли романи аслида “Улуғ салтанат”га руҳий-ижодий тайёргарлик босқичи бўлиб, миллий истиқлолдан анча илгари, ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган эди. Романга материал тўплаш жараёнида ёзувчи адабиётимизда мазкур мавзуда ёзилган асарларни синчиклаб ўрганганлиги аник. Мақсад эса миллатнинг отаси ҳақида –унинг ибратли фазилатлари, намуна бўладиган ҳаётий лавҳаларни ўқувчига ёзувчи томонидан етказилишидир.

Тарихий буюк шахслар ҳаётини ўрганиш яъни ўтмиш-мозий мавзуда ёзувчи бўлиш-икки карра ёзувчи бўлиш, деганидир. Унда ёзувчиликдан бошқа ёзилаётган мавзунинг ипидан-игнасигача, икир-чикири (этнография, урфодатлар, маросимлар, ўша давр географияси, шаҳарлар, қишлоқлар, йўллар, тоғлар, саҳролар, дарёлар, муомала маданияти, таомлар, кийим-кечаклар, ҳайвонот олами ва ҳоказолар) гача эринмай ўрганиб чиқилганлиги, замон обҳавосини англай олиш, давр томир уришини сезиш тадқиқотчилик талаб этганлиги ва ёзувчининг бу жараённи юксак маҳорат билан эгаллаганлигиниасар давомида сезишимиз мумкин.

Тетралогияда Амир Темур оддий бекликдан улуғ саркардалиkkача кўтарилиган, соҳибқиронлик рутбасига мушарраф бўлган, ҳурриятга ташна инсон образи сифатида кенг кўламда ифода этилди. Амир Темур-руҳан енгилмайдиган ўқтам инсон. У халқ мусибатини шахсий майлларидан устун қўя олади. Ёзувчи унинг нафақат жисмоний, балки руҳий қудратини ҳам кўрсата билган. Бундай ҳолни романнинг Тўхтамишхон, Боязид Йилдирим билан тўқнашув тасвиrlанган ўринларида ҳам учратамиз. Ёзувчи туйғуларни тасвиrlашда қаҳрамонлар руҳиятидаги тебrанишларга эътибор қаратади. Амир Темур билан Боязид Йилдиримни қарама-қарши қўйиб тасвиrlаш орқали иймон поклиги ва руҳ мусаффолиги ҳақидаги концепцияни тасдиқлади, китобхон туйғулар оламини ларзага солиб, гоҳ ғурур, гоҳ энтикиш, гоҳида эса ачиниш, изтиробга тушиб ҳисларининг ўрнини алмаштирибборади.

А.Орипов томонидан ёзилган “Соҳибқирон” драмасида ҳам Боязиднинг Амир Темурга ёзган хатидаги ҳақоратлар уни урушга киришишга мажбур этиши ишонарли тасвиrlанган. Муаллиф эса ҳеч бир инсон чидаши мумкин бўлмаган бундай одобсизликка Темурнинг жанг билан жавоб қайтариши табиийлигини тарихий ҳақиқатга ҳам мос ҳолда тасвиrlайди.

Асарда ёзилишича, Амир Темур ва Йилдирим Боязид-ўз замонасининг енгилмас саркардалари. Улар ўртасидаги муносабатлар турлича талқинларга эга. Замонни лол қолдирган нарса яхши гапга кўнмаган Боязидга яқин бўлиш мақсадида Амир Темур томонидан қариндошлик риштасининг боғланиши яъни “қиз олиб, қиз бериш” таклифи берилганлигидир. Лекин Боязиднинг Амир Темурга ёзган хатидаги ҳақоратлар уни урушга киришишга мажбур этиши бу асарда ҳам ёритилади. Жанг бўлиб ўтади, Боязид енгилиб қўлга тушади... Соҳибқирон Боязидга шоҳчодирлар тикиради, рум қайсари бола-чақаси билан бир яrim йилча яшайди, унинг бурнини ҳам қонатмайдилар, Соҳибқирон унга султондай муносабатда бўлади, ҳатто ўзининг тахтини қайтармоқчи эканини айтади, бироқ тақдири азал ҳукми ўзгача бўлади – у изтироблар инқирозига дош бера олмай оламдан ўтади.

Асар тасвирий йўналишдаги фалсафий мушоҳадакорлик, адиб ғоявий концепциясидаги теран ҳаётий умумлашмалар ўқувчи онгидга олам ва одам ҳакида теран мулоҳазалар уйғотади, ўша давр руҳини китобхон қалбига жойлади. Асар марказида жаҳолат ва ёвузлик, хиёнат ва қабоҳатнинг инкори орқали эътиқод бутлиги, иймон мусаффолиги, эрк соғинчи, юрга садоқат сингари ардоқли туйғуларни улуғлаш туради. Адиб соҳибқиронни идеаллаштирумайди. Бутун умри даҳшатли йўқотишлар ичida кечган саркарданинг дард-аламлари, изтироблари ҳаққоний тасвирланади. У муқаррар фожиасини англаған ҳолда катта мақсадлар йўлида муҳорабагакиргани билан улуғворлик касб этса, атрофини қуршаганларнинг руҳий оламини билиб улгурмаганлиги жиҳатидан ожизлигини ҳам намоён этадики, у адабий қаҳрамонгина эмас, жонли одам, банда сифатида қабул қилинади.

Муаллифнинг бу асардан кўзлаган бош мақсади ҳам “Чингиз қиличи” яралаб, тиз чўктиришга уринган, буюк “Ясо қонунлари” хўрлаган исломий юрт Туронда эртанги қун қайғуси билан яшаётган, Ватан тупроғини муқаддас билувчи ботирлар кўплигини кўрсатишдан иборат эди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Жаҳонгир Мирзо. 1- китоб.-Т.: Наврӯз. 2019.-Б. 277.
2. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Мироншоҳ Мирзо. 3- китоб.-Т.: Наврӯз. 2019.-Б.
3. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Шоҳруҳ Мирзо. 4-китоб. – Т.: Наврӯз. 2019. – Б. 409
4. Алимбеков А. Юлдузнинг беш қирраси.-Т.: Ўқитувчи. 2020.-Б. 259.
5. Алимбеков А. Тарихий романчилигимизга бир назар. Озод Ватан саодати. Адабий танқид. –Тошкент: Адиб, 2013. –313 б.
6. Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат.–Т:Фан, 1982.-127 б.
7. Амир Темур. Темур тузуклари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -183 б.
8. Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996;
9. Шарафудди н Али Йаздий, Зафарнома, Т., 1997;